

belgilanadi va amalga oshiriladi. Biroq, o'qituvchining shaxsiy sifati, uning ijodkorligiga madaniyatlik darajasiga hamda kasbiy mahoratini ro'yobga chiqarish, unga yaratib berilgan imkoniyatga bog'liqdir. Tarbiyaviy ishlarni takomillashtirish ta'lim oluvchilarning inson va jamiyat haqida mavjud tasavvurlarini kengaytirishdan, ularning ona tabiat bilan o'zaro munosabati hamda ularning oldidagi mas'uliyat tushunchalarini shakllantirishdan iborat.

Inson tarbiyasiga oid ta'limotdan hozirgi davrda har tomonlarni kamol topgan erkin, barkamol insonni shakllantirishda foydalanish, uni ta'lim-tarbiya tarkibiga kiritib, hayotga tadbiq etish eng muhim talablardan deb hisoblanadi. Shu maqsadda pedagogik fikrlar taraqqiyoti jarayonida barkamol inson tarbiyasiga oid tajribalarni hayotga tadbiq etishni quyidagi yo'nalishda olib borish mumkin:

1. Oliy ta'lim muassasalari, kollej va litseylar uchun «Pedagogika»dan oliy o'quv kursi mazmuniga kiritish.
2. Oliy ta'lim muassasalari, o'rta maxsus va kasb-hunar kollejlari uchun «Ma'naviyat asoslari» o'quv fanlarini o'qitishda foydalanish.
3. Ta'lim samaradorligini oshirishda ta'lim-tarbiya metod va shakllariga oid tavsiyalar ishlab chiqish.
4. Oliy ta'lim muassasalari, kollej va litseylarning ma'naviy-axloqiy tarbiya ishlarida barkamol shaxsni tarbiyalashga oid milliy an'analarimizga e'tiborni kuchaytirish.

Qadimiy boy merosimizning qimmatli manbalarini yuzaga olib chiqish, uni hozirgi zamon ilmiy-pedagogik tafakkuri iste'moliga kiritishdan maqsad ajdodlarimizning ma'naviy-axloqiy rivojlanishi, tarbiyasi, insoniyat tafakkuri tarixi, uning jamiyat ijtimoiy-iqtisodiy, ma'naviy-axloqiy rivojlanishida tutgan o'rni va mavqeiini bilib olish hamda yangi davr sharoitida barkamol shaxsni shakllantirishda foydalanishdan iborat.

Адабиётлар:

1. Karimov I.A. Barkamol avlod- Ozbekiston tarraqqiyoti poydevori, Toshkent, 1997y

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ УЧУН ИНГЛИЗЧА-ЎЗБЕКЧА-РУСЧА ИДЕОГРАФИК ЛУҒАТЛАР АСОСИДА МАШҒУЛОТЛАР ЎТКАЗИШ

Садиқова С. А.

Андижон давлат университети катта илмий ходим изланувчи

Мамлакатимизда истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб, ўзбек тилининг нуфузини ошириш, она тилимизга ҳурмат ва эътиборни юксалтиришга устувор вазифалардан бири сифатида қаралиб келинмоқда. Бунда, албатта, республикамизда фаолият юритиб келаётган таълим муассасаларининг ҳам ўз ўрни ва аҳамияти бор. Чунки жамиятда тилга ҳурмат ва эътиборни шакллантириш, аввало, қуйи бўғиндан, яъни ёш авлод таълим-тарбияси жараёнидан бошланади. Ҳозирда мамлакатимизда мактабгача таълим тизим сифатида юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашда асос вазифасини ўтамоқда.

Юртбошимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек, маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим ҳаётий омил – бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқдир... Шунини унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача

айтганда, халқимизнинг эртанги кунни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

Шу маънода айтиш керакки, тил ўрганиш масалаларини узлуксиз таълим тизимида оқилона ҳал этиш жамиятимизда, шу билан бирга, халқаро миқёсда ўзбек тилининг макomini янада мустақхамлашга муносиб замин яратади. Сир эмаски, ҳозирда давлатимиз раҳбариятининг ташаббуси билан чет тилларни, айниқса, инглиз тилини ўрганишга устувор вазифалардан бири сифатида қаралаётир. Айни эзгу тамойилни узвий ва узлуксиз ҳолда таълим тизимининг барча бўғинларига самарали ҳамда оқилона тадбиқ қилиш, пировардида эса ўзбек ва чет тилларини ўзаро ҳамоҳанг, муштарак ҳолда ўрганишнинг изчил механизмини яратиш бугуннинг долзарб масалаларидан саналади.

Идеографик луғатларнинг болалармизга учун қулай томони шундаки, алифбо тартибдаги луғатларда сўзнинг синтагматик ва услубий-функционал хусусиятлари кўрсатилса, идеографик луғатларда сўзлараро синонимик, антонимик ва шу каби қатор муносабатлар намоён бўлади. Бу эса таълим-тарбия жараёнида болаларни мустақил фикрлашга, янги сўзларни ўзлаштиришга, изланишга чорлайди, оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантиради, олам, борлик ҳақида илк тасаввурларини куртак ёздиради.

Сир эмаски, мактабгача таълим муассасасида болалар онги ва қалбига илк тасаввур ҳамда тушунчалар сингдирилади. Бу жараёнда болалар она табиат, ундаги фасллар, ҳодисалар хусусида илк тасаввурларга эга бўладилар. Шунингдек, уларга она ватан, оила, ота-она, яқинлар ҳақида тушунтирилади. Болажонлар ранглар олами, содда санок тизими билан танишадилар. Бу босқич уларни бошланғич ва ундан кейинги таълим жараёнларига тайёрлайди.

Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун Инглизча-ўзбекча-русча идеографик луғатлар тузиш болажонларнинг, аввало, тасаввурларини янада кенгайтиришга хизмат қилади, иккинчидан, уларни илк босқичданок ўзбек тилини чет тиллар билан ўзаро солиштириб ўрганишларига муносиб замин яратади.

Табиат тушунчаси мактабгача таълимда болажонлар учун энг қизиқ, энг кўламдор бўлиб, идеографик луғат нуктаи назаридан у ўзида нечалаб мазмуний майдонларнинг жамланмасини ташкил этади.

Масалан, ҳайвонот оламини олайлик. Улар ҳам йиртқичларга ва уй ҳайвонларига бўлинади. Уй ҳайвонларини алоҳида тармоқ сифатида қуйидагича келтириш мумкин:

инглизчада – win, ўзбекчада – шамол, русчада – ветер;
инглизчада – rain, ўзбекчада – ёмғир, русчада – дождь;
инглизчада – snow, ўзбекчада – қор, русчада – снег;
инглизчада – storm, ўзбекчада – бўрон, русчада – бурья.
инглизчада – spring, ўзбекчада – баҳор, русчада – весна;
инглизчада – summer, ўзбекчада – ёз, русчада – лето;
инглизчада – autumn (fall) – ўзбекчада – куз, русчада – осень;
инглизчада – winter, ўзбекчада – киш, русчада – зима

каби тартибда луғатни давом эттириш мумкин. Бу болажонларнинг уларнинг фикрлаш, баҳо бериш қобилиятлари шакллантирилади, иккинчидан, ўзбек ва чет тилларини ўзаро қиёсан ўрганишга нисбатан қизиқишлари янада орттирилади.

Юқоридагилардан ҳулоса қилиш мумкинки:

– мақолада таклиф этилган инглиз-ўзбек-рус тилларидаги идеографик луғатнинг қисқа намунаси мактабгача таълим муассасаларида болажонларни мустақил фикрлашга, сўзларни ўзлаштиришга ўргатиши, изланишга чорлаши, оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантиради.

Адабиётлар:

И.Каримов Юксак маънавият-енгилмас куч. Т., 2008 й.